

# "Ўзкимёсаноат" АЖ фаолияти "Очиқлик индекси - 2025" да юқори баҳоланди


// 13.04.2026

<https://uzkimyosanoat.uz/uz/press/news/uzkimyosanoat-azh-faoliyati-ochiqlik-indeksi-2025-da-yuqori->

DAVLAT ORGANLARI VA TASHKILOTLARIDA OCHIQLIK BO'YICHA AMALGA OSHIRILAYOTGAN ISHLARNING SAMARADORLIGI VA NATIJADORLIGINI BAHOLASHGA QARATILGAN  
**OCHIQLIK INDEKSI-2025**



## AKSIYADORLIK JAMIYATLARI



Коррупцияга қарши курашиш агентлиги 2025-йил якунига қўра давлат органлари ва ташкилотларида очиқлик даражасини баҳолаш натижалари доирасида вазирликлар кесимидаги рейтингни эълон қилди.

Рейтингга қўра, жами 97 та вазирлик, идора, муассаса ва маҳаллий давлат ҳокимияти органлари фаолияти баҳоланди. Баҳолаш 84 та мезонни ўз ичига олган 8 та индикатор асосида амалга оширилди.

Якуний натижаларга қўра, 66 та давлат органи "яшил", 22 таси "сарик" ва 9 таси "қизил" тоифага киритилди. 2022-йилдаги илк натижалар билан солиштирилганда, "яшил" тоифадаги ташкилотлар сони 3,5 баробарга ошган. Шу билан бирга, "сарик" тоифадагилар 2 баробарга, "қизил" тоифадагилар эса 3 баробарга камайган.

Аҳамиятлиси, мазкур рейтингда "Ўзкимёсаноат" АЖ 80,0 балл билан яшил кўрсаткични қайд этди.